



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 20 сентябрь, № 196 (7426)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



СУВ РЕСУРСЛАРИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ВА ТЕЖАШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь куни сув ресурсларини бошқариш тизимини ислох қилиш ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Маълумки, бутун дунёда сув тақчиллиги муаммоси йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, сувдан оқилона фойдаланиш чоралари кўрилмоқда. Соҳада бошқарув тизимини такомиллаштириш мақсадида Сув ҳўжалиги вазирлиги ташкил қилинди.

Давлатимиз раҳбари кўрсатмаларига мувофиқ ишлаб чиқилаётган қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегиясида ҳам сувдан фойдаланиш ва уни тежаш бўйича долзарб чора-тадбирлар назарда тутилган.

Йиғилишда суғоришдаги йўқотишларни қисқартириш, ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда 3 миллион 200 минг гектар ерга 46 миллиард куб метр сув сарфланиб, унинг 60 фоизи экинларга етиб борапти, холос. Чўнки жами 180 минг километр суғориш тармоқларининг 23 фоизи бетон қопламали бўлиб, улар ҳам 30 — 35 йилдан бўён деярли янгиланмаган. Яна бир сабаби экин майдонларининг 98 фоизи эскича услубда суғорилаётгани, экинлар номақбул жойлаштирилётганидир. Сувдан самарали фойдаланиш, ҳисобини юритиш, ирригация тармоқларида сув тежовчи янги технологияларни қўллаш бўйича ҳеч бир ташкилот талаб қўймапти.

Шу боис ҳудудларнинг сув таъминоти ва уни тежаш имкониятидан келиб чиқиб, экинларни жойлаштиришнинг такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Сув ҳўжалиги вазирлигига Жанубий Кореянинг 7 миллион долларлик гранти ҳисобидан 61 сув ҳўжалиги объектида сув сарфини онлайн кузатиш имконини берувчи “Ақли сув” тизимини жорий этиш вазифаси юклатилди. Келаси йили 120 та, 2023 йилгача эса 300 та объектда ушбу тизим татбиқ этилади. Энергетика вазирлигига 1 минг 700 та насос станциясини 2020 йил якунигача электр энергия истеъмолининг автоматлашган назорат тизимига ўтказиш топшириғи берилди.

Умуман, соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳада бозор механизмларини татбиқ этиш ҳам замон талаби. Негатик, ҳозирги кунда, ҳатто юқори даромад келтирувчи экин майдонлари, боғлар ва тоқзорларга ҳам сув давлат ҳисобидан етказиб берилмоқда. Шулардан келиб чиқиб, 2020 йилда 22 та тумандаги 50 та объектнинг давлат-хусусий шериклик асосида хусусий секторга бериш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда сув ҳўжалигида илм ва инновацияни жадал ривож-

лантириш, ишлаб чиқариш билан чамбарчас боғлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ёш олимларнинг илмий ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш, талабаларда лойиҳалаш кўникмасини шакллантириш, хорижий тажриба ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда тизимга инновациялар киритиш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида “Лойиҳалаш гуруҳи”-ни ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Барча йирик лойиҳаларда илмий ходимлар ва иқтидорли талабаларни объектларга бириктириш, уларнинг хорижда малака оширишига қўмаклашиш ҳамда илмий-инновацион ишланмаларни ушбу лойиҳалар доирасида амалиётга татбиқ этиш лозимлиги таъкидланди.

Сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш соҳадаги энг асосий вазифадир. Бундай технологиялар самарадорлиги Фарғонадаги битта фермер ҳўжалиги мисолида таҳлил қилинганда, сув сарфи харажатлари 50 фоизга, ўғит 37 фоиз, ёқилғи 35 фоиз қисқарган.

Шу боис кейинги йилда қўшимча 200 минг, 2025 йилгача 1 миллион гектар экин майдони-га сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича топшириқлар берилди.

Бугунги кунда сув ҳўжалиги ташкилотлари тасарруфида 4 минг-та суғориш қудуғи мавжуд. Битта қудуқ 30 гектар майдонга хизмат кўрсатиб, йилга 40 — 50 миллион сўмгача харажат қилинмоқда. Суғоришда қудуқ сувини одатдагидек ишлатиш оқибатида ер ости суви борган сари камаймоқда. Шунинг учун мутасаддиларга қудуқ сувлари истеъмоличиларини 2020 йилда сув тежовчи технологиялар ва қуёш панеллари-дан фойдаланишга ўтказиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Яна бир масала — ҳозирги кунда сув объекларини қуриш, реконструкция ва эксплуатация қилиш бўйича ҳам бурортмачи, ҳам пудратчи вазифасини битта идора — Сув ҳўжалиги вазирлиги амалга оширмоқда. Бу эса соғлом рақобатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис 57 та пудрат корхонасини вазирлик тизимидан чиқариб, алоҳида акциядорлик жамиятига бирлаштириш вазифаси қўйилди.

Сув истеъмоличилари уюмларини фаолиятини қайта кўриб чиқиш зарурлиги, улар инвестиция, грант ва бошқа маблағлар жалб қила оладиган, махсус техникаларга эга, фермерларга сифатли хизмат кўрсатувчи профессионал тизимга сифатида фаолият юритиш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасаддилар ҳисобот берди.

Ў.А.



ДУНЁ НИГОҲИ

«ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ ТИЛЛИ ДАВЛАТЛАР ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИГА ҚЎШИЛИШИ УЛКАН ТАРИХИЙ ВОҚЕАДИР»


Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонунни имзолаши халқаро миқёсда, хусусан, хорижий оммавий ахборот воситаларида катта акс садо берди.



Жумладан, ушбу тарихий воқеа хусусида Туркиянинг “Daily Sabah” газетасида “Анкара Ўзбекистоннинг Туркий кенгашига аъзо бўлишини олқишлайди” сарлавҳали мақола эълон қилинди. Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида ҳавола қилган ҳолда, материалда “Расмий Тошкентнинг ташкилотга тўлиқ аъзолиги туркий тилли давлатлар ҳамжиҳатлигига ҳисса қўшади, ҳамкорликни чуқурлаштиради, халқларимиз фаровонлиги йўлида мувофиқлаштириш даражасини оширади”, дейилади.

Россиянинг “Regnum” ахборот-таҳлилий агентлиги мазкур воқеага бағишланган махсус мақола эълон қилди. Таъкидланишича, Ўзбекистоннинг ташкилот тўлақонли аъзосига айланиши унинг фаолиятини такомиллаштириш, аъзо давлатлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш имконини беради. “Қулай жугрофий жойлашуви ва юқсалиб бораётган салоҳияти тўғрисида Ўзбекистон бугунги кунда нафақат қардош мамлакатлар, балки бутун минтақани ривожлантириш учун янги имкониятлар яратмоқда”, деб ёзади агентлик муҳбири.

Эътироф этилишича, бугун дунёда шаклланаётган геосиёсий вазият, кучайиб бораётган хавфсизликка таҳдидлар шароитида ҳамкор давлатлар сазй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш эҳтиёжи ортиб бораётди. Ўзбекистоннинг Кенгашига аъзо бўлиши улкан тарихий воқеа бўлиб, у туркий тилли давлатлар учун янги имкониятлар очади, минтақанинг барқарорлиги ва хавфсизлиги, унинг иқтисодий ривожланиши ва фаровонлигига қўмаклашади.



Қозоғистоннинг “Хабар 24” телеканали намойиш этган махсус репортажда Ўзбекистон ташкилот фаолиятига сезиларли туртки бериши қайд этилди. Буюк Ипак йўлининг маркази, шонли Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари жойлашган замин — Ўзбекистон туркий тилли давлатлар дунёсининг иқтисодий ва маданий бешиги, илмфан ва маданият маркази бўлиб келган. Ўзбек халқи ўзининг бой миллий ва тарихий мероси билан жаҳон тамаддунига улкан ва бебаҳо ҳисса қўшган, бугунги кунда эса мамлакат ўзининг ўсиб бораётган имкониятлари билан нафақат қардош давлатлар, балки дунёнинг барча мамлакатлари билан ҳамкорликнинг янги бобини очмоқда. Қайд этилишича, Кенгашига аъзолик Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, доно раҳбарлиги ва фаол дипломатияси маҳсули бўлгани баробарида, туркий тилли давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг мутлақо янги тарихий босқичини бошлаб беради.



дунёнинг барча мамлакатлари билан ҳамкорликнинг янги бобини очмоқда. Қайд этилишича, Кенгашига аъзолик Президент Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси, доно раҳбарлиги ва фаол дипломатияси маҳсули бўлгани баробарида, туркий тилли давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг мутлақо янги тарихий босқичини бошлаб беради.



“Azerbaijan 24” телеканали Озарбайжон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши таркиби Ўзбекистон ҳисобига кенгайишини тўғалигича қўлаб-қувватлашини маълум қилди. Журналистларнинг фикрича, Ўзбекистон Республикасининг Нахичеван Битимини ратификация қилиши туркий тилли давлатларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашда тарихий муҳим воқеа бўлди. Озарбайжон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги эса “Қардош Ўзбекистонни ушбу қарор қабул қилинганлиги муносабати билан табриқлаймиз” мазмунидagi расмий баёнот тарқатгани ҳам қайд этиб ўтилди.

“Жанубий Кавказ” сиёсатшунос-лар клуби раҳбари Илгар Велизаде-нинг фикрига кўра, Ўзбекистоннинг Кенгашига қўшилиши ушбу тузилма фаолиятининг янги, фаол динамикасини таъминлайди, унинг минтақа ва дунёдаги ўрни ҳамда аҳамиятини оширади.



“Ўзбекистон минтақадаги марказий давлат бўлиб, нафақат Марказий Осиёнинг барча давлатлари, балки Афғонистон билан чегарадош ягона мамлакатдир. Шу сабабли республиканинг ташкилотга қабул қилиниши унинг кун тартибининг сезиларли даражада диверсификация қилади, умумий салоҳиятини юксалтиришга ижобий таъсир этади. 33 миллион аҳолиси бўлган Ўзбекистон минтақанинг энг йирик мамлакати бўлиб, унинг ташкилотга аъзолиги Кенгашида туркий аҳоли сонини сезиларли даражада оширади. Ушбу муҳим воқеа ташкилотнинг Шарқий қанотини мустаҳкамлайди”, дейди эксперт.

Анвар МИРЗАЕВ
(“Халқ сўзи”) тайёрлади.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши кўп томонлама муносабатларимизни янада ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Муносабат

Муштарак маънавий қадриятлар ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга қаратилган дадил қадам

Марказий Осиё ва унга яқин ҳудудлардаги қардош халқларимизни асрлар давомида дўстлик, муштарак маънавий қадриятлар бир-бирига боғлаб келган. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очик ва прагматик ташқи сиёсати натижасида Марказий Осиёда вазият ўзгарди. Минтақа давлатлари ўртасида дўстона алоқалар мустаҳкамланди.

Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркия, Озарбайжон Президентлари билан учрашув ва мулоқотлари самарасида турли соҳалардаги ҳамкорлик янада ривожланмоқда. Мамлакатимизнинг Туркий кенгашига аъзо давлатлар билан ўзаро савдо кўрсаткичлари ошиб борапти.

Жорий йилнинг 14 сентябрида Юрбошимиз томонидан “Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонуннинг имзоланиши кенг жамоатчилигимиз томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди. Қўйида улардан айримларининг муносабати эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Аҳмаджон МЕЛИБОВЕ,
“Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири:

— Бугунги дунёнинг маънавий-руҳий ҳолати шундайки, инсон ҳаёти, Ер юзиди тинчлик-тотувликни, миллий ва умуминсоний қадриятларни сақлаб қолиш учун ҳар ким ўз ҳолича эмас, биргаликда, бамаслаҳат иш кўрмоғи зарур. Ҳозир дунё миқёсида юз бераётган ижобий ҳамда салбий ўзгаришлар, бўлинган дунёни қайта бўлиб олиш, ер ости ва ер усти бойлиқларига эгаллик қилиш ҳаракатлари кучайиб бораётган экан, ҳар бир мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатида умумий мақсадларга эришиш йўлида жипслашиш, муаммоларни томонларнинг манфаатларига мос равишда ҳал қилиш гоат муҳим аҳамият касб этади. Тарих шохидки, олис ва яқин ўтмишда тили ва дини, маънавий илдиэлар бир халқлар ўзаро тинчлик-тотувлик иттифоқи тузиб, бир-бирларига салимий қўл бериб, не-не бало-қазоларни бартараф этишган. Туркий дунёда бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Бугун ана шундай ҳолис ниятли биликка яна жиддий эҳтиёж пайдо бўлди.

Бунинг боиси шуки, инсон ҳаёти билан боғлиқ мураккаб муаммолар бир мамлакатда, бир минтақада эмас, бутун дунёда умумлашиб бормоқда. Иқтисодий, молиявий танглик, ахборот оқими-нинг глобаллашуви, савдотик сиёсатидаги келиш-мовчиликлар, капитал оқимининг тезлашиши, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракатланиши билан боғлиқ зиддиятларни ҳал қилиш учун ички ва ташқи имкониятлардан унумли фойдаланишдан бошқа чора йўқ. “Маслаҳатли тўй тарқамас” деганларидек, ҳар ким ўз ҳолича, фақат ўзининг тор манфаатларини ўйлаб иш тутадиган, қўшни давлатларда, яқин-йироқ мамлакатларда содир бўлаётган ижтимоий бўҳронлардан беҳабар ҳолда яшаш эндиликда мумкин эмас. Фақат бирлашгангина ўзади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг яхши қўшничилик, манфаатли ҳамкорлик борасидаги оқилона сиёсати замирида элларни элларга яқинлаштириш, дилларни дилларга боғлаш, тарихнинг ушбу синовили палласида имон-эътиқоддан кечмаслик, ҳам бугунги, ҳам эртани, келажакни ўйлаб иш тутишдек буюк мақсад ётади.



ОБОД МАНЗИЛЛАРДА ЯШАШ ЗАВҚИ



Сариосиё тумани Шарғун шаҳарчасида амалга оширилган қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари натижасида ҳудуд тамомила янги, замонавий қиёфа касб этиб, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга хизмат қилувчи зарур ижтимоий инфраструктура яратилди. “Обод марказ” дастури доирасида шаҳарчада янгидан барпо этилган ва қайта қурилган иншоотларнинг тақдими то кенг жамоатчилик иштирокидаги катта тантаналарга улашиб кетди.

Бунёдкорлик

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 30 апрель — 1 май кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида Шарғун шаҳарчасида аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш мақсадида ижтимоий структурани тубдан ўзгартириш, одамларнинг бугунидан рози бўлиб, фаровон ҳаёт кечирishi таъминлаш учун барча шарт-шароитларни яратиш бўйича топшириғи асосида бу ерда ўтган кўпчилик вақтида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Аввало, 2019 — 2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Сариосиё тумани ва Шарғун шаҳрини комплекс ри-

вожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра, Шарғун шаҳрини ҳар жиҳатдан тараққий эттириш ва ободонлаштириш, унинг меъморий қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳарсозлик қоидаларига мувофиқлаштириш, шунингдек, кўп қаватли уй-жойлар қуриш ҳамда зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан таъминлаш, ижтимоий ва йўл инфра-тузилмасини ривожлантириш, хусусан, ички йўллари ва ижтимоий соҳа объекларини реконструкция қилиш ва қайта таъмирлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛАК ПАЛАТАСИДА ТОРТИШУВЛАРДАН СЎНГ ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ҚАЙТАРДИ

2019 йил 19 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли жиҳатларида амалга оширилаётган ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Хусусан, парламент аъзолари “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Таъкидланганидек, бугунги рақамли технологияларнинг ривожланиши тўлов хизматлари бозорини ҳам тараққий эттиришни тақозо қилмоқда. Бироқ ҳозирги кунда юртимизда тўлов агрегаторлари томонидан кўрсатила-

диган хизматлар қўлама чекланган бўлиб, улар, асосан, мобил алоқа, интернет, коммунал ва бошқа айрим хизматлар учун тўловларни амалга ошириб келаяпти. Боиси тўлов ташкилотлари ва тўлов тизими операторларининг фаолияти на банк қонунчилиги, на бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.



ОБОД МАНЗИЛЛАРДА ЯШАШ ЗАВҚИ

◀1

— Шарғун шаҳарчаси 1942 йилда ташкил этилган бўлиб, у бугун тамомила янги қиёфадаги обод марказга айлан-ди, — дейди шаҳарча ҳокими Шерзод Хидиров. — Худудда бешта маҳалла фуқаролар йиғи-ни мавжуд, жами 12 мингдан зиёд аҳоли истикомат қилади.

Президентимиз ташрифидан сўнг, қисқа вақт ичида, яъни 3,5 ойда бу ерда амалга оши-рилган бунёдкорлик ишлари халқимизни ниҳоятда руҳлантир-ди. Уларнинг қалбига шукрона-лик ҳисси янада ошди. Буни одамлар қайфияти, дил сўзлари-дан ҳам англаб олиш қийин эмас. Зеро, қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларининг кўлами ҳайрат ҳамда ҳавасга, одамлар қалбигаги миннатдор-лик ва шукроналикка сабаб бўлди.

Режага мувофиқ, Шарғун ша-ҳарчаси худудидagi ички йўллар-ни 4, 719 млрд. сўм маблаг эва-зига таъмирлаш белгиланган бўлиб, ҳозирги кунда қадар

2,3 километр йўл қисмига ас-фальт, 2,74 километр қисмига лотоклар ётқизилди ҳамда 1250 метр пидедалар йўлакчаси қурилди, 66 донa тунги ёритиш чирогои ўрнатилди. Худудни кўка-ламзорлаштириш учун 2500 донa манзарали дарахт кўчати экилди.

Шунингдек, худуддаги 15,7 км. электр узатиш тармоғи таъмир-ланди, қўшимча 13,7 км. янги тармоқ тортилди. 2,3 км. электр тармоғи мукамал таъмирланди. Тўрт донa трансформатор ўрна-тилиб, саккизтасида таъмирлаш ишлари бажарилди. 295 та симёғоч устунлари темир-бетон устунларга алмаштирилди. 3 км. табиий газ тармоғи реконструк-ция қилинди, 12,8 км. сув қувур-лари тортилди. Шаҳарда 8,3 км. канализация қувурлари ётқи-зилди.

Шарғунсойнинг 500 метр қисми тозаланиб, 400 метр қисми бетонланди, 2 та янги кўприк барпо этилди. Унинг атрофида 200 метр тўсиқ панжара ўрнати-лди. “Кончилар”, “Феруз” МФЙ учун янги бино қуриб битказил-

ди. “Маъданкон” ва “Боғишамол” МФЙ бинолари таъмирланди. Кўп қаватли уйлар чирой очди. Унинг атрофида тунги ёритқич-лар ўрнатилди. 18 та болалар стадиони ташкил этилди. Ирри-гация тармоқлари янгиланди.

— Инсоннинг бахтли яшаши учун аслида кўп нарса керак эмас, — дейди Турдихол Алимова. — Уйлайманки, юрти-миз тинчлиги, осмонимиз му-саффолиги, фарзандларимиз чеҳрасидаги қувончу шодлик ва турмушдаги фаровонлик чина-кам саодатдир. Президентимиз олиб бораётган халқни сийёсат замирида ана шу жиҳатларга алоҳида ургу берилётгани бе-жиз эмас. Мана қаранг, шах-римиздаги ободлик аллақачон



Шарғунни кўркам ва замонавий шаҳарчага айлантиришга доир бунёдкорлик ишлари билан

дейди Зухра Қурбонова. — Шарғун шаҳарчасини обод қилиш ишлари бошлангач, хо-надонимиз ҳам эътибордан чет-да қолмади. Ҳомийлар томони-дан зарур қурилиш моллари олиб келиниб, усталар жалб этилди. Уйларимиз таъмирла-ниб, кўркам қиёфага эга бўлди. Бугун ҳам хонадонимиз, ҳам шаҳарчадаги ободлик, яшаш учун қулай шароитлар туфайли завқланиб яшамоқдамиз. Бу-нинг учун давлатимиздан мин-натдоримиз.

“Обод марказ” дастури дои-расида Шарғун шаҳарчасида таъмирланган тураржой бино-лари ҳамда 135 ўринли 8-мак-табгача таълим муассасаси, 100 ўринли қишлоқ оилавий по-ликлиникаси, шахтёрлар учун ўрнатилган рамзий ҳайкал ҳамда қайтадан таъмирланган маданият марказининг тақди-мот маросими муносабати бил-лан уюштирилган тадбирларда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Тантанили тус олган тадбир-лар халқимиз суйган таниқли санъат ва маданият, ёзувчи ва шоирлар, жамоат арбоблари иштирокидаги бадий дастур-ларга уланди. Санъаткорлар-нинг дилрабо куй-қўшиқларида бахтли, фаровон кунлар мадҳи жаранг топди.



одамлар кўнглига кўчиб, турму-шимизда намоён бўлмоқда. Кўп йиллардан буён таъмирталаб бўлиб турган кўп қаватли уйи-миз таъмирланди, атрофи обо-донлаштирилди. Унинг кўркам қиёфаси, коммунал тармоқнинг тўла янгилангани, худуддаги ободонлаштириш ишлари, ҳамма-ҳаммаси бизнинг турмуш фаровонлигимизни яхшилашга хизмат қилапти.

Шуни ҳам айтиш керакки,

бирга аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий ҳимоя-лашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Кам таъминланган оилалар рўйхати шакллантири-либ, ҳомийлар томонидан зар-рур қурилиш маҳсулотлари ет-казиб берилди. Айни мақсадда уч миллиард сўмдан зиёд маб-лаг йўналтирилди.

— Ўтган асрнинг 60-йиллари-да қурилган тураржойимиз таъ-мирталаб бўлиб қолганди, —



БЕШ ТАШАББУС ИЖРОСИ

САНГАРДАКЛИК ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БЕҲАД ҚУВОНТИРДИ

Сариосиё туманидаги Сангардак қишлоғида “Ўзпахтасаноат” АЖ томонидан қуриб битказилган тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган “Сангардак чеварлари” корхонаси фаолият бошлади. Мазкур худуддаги 14 та қишлоқда яшовчи хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган ушбу мажмуада 600 та иш ўрни яратилди. Корхонанинг тақдирот маросими қишлоқ одамлари учун чинакам байрамга айланиб кетди. Унда вилоят ва туман ҳокимлиги, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари, нуронийлар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари қатнашди.

Ғамхўрлик

Енгил конструкцияли қурилиш материалларидан фойдаланиб, икки ой муддатда қуриб битказилган маж-муада қийинчи, ювишчи, дам олиш ва тиббиёт хоналари, ошхона каби зарурий шароитлар муҳайё этилган. Корхона Хитой, Туркия ва Японияда ишлаб чиқарилган замонавий тикув дастгоҳлари билан жиҳозланган. Мажмуани қуриш ва жиҳозлаш иш-ларига 10 миллиард сўмга яқин маб-лаг йўналтирилди.

— “Обод қишлоқ” дастури асоси-да худудимиз тобора обод ва кўркам

бўлиб, одамларимиз ҳаёти фиро-вонлашиб бормоқда, — дейди кор-хонада иш бошлаган Нуринисо Икромова. — Авваллари қолхозда меҳнат қилганман. Шундан сўнг кўпдан буён ишсиз эдим. Кўпчилик аёллар қатори мазкур жамоа аъзо-си булганимдан жуда хурсандман. Очиги, вилоят марказидан 200 ки-лометр узоқликда жойлашган қиш-логимизда шундай корхона барпо этилиши катта воқеа. Буни сира ҳам кутмагандик. Бунинг учун беҳад миннатдоримиз.

Президентимизнинг “Республика худудларида тикув-трикотаж маҳсу-лотлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъмин-лаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида, аввало, аҳоли зич яшайдиган, меҳнат ресур-лари кўп худудлар таллаб олинди, узоқ қишлоқ аёлларининг бандли-гини таъминлашга эришилмоқда. Мазкур мажмуаларда, асосан, три-котаж маҳсулотлари тайёрланиб, экспорт қилиниши назарда тутилган. — 11 йилдан буён ишсиз эдим,



Жонибек ҚЎЗИМУРОДОВ (ЎзA) олган суратлар.

йиб бўлди. Катта таассурот олдик. Қишлоқ аёлларининг дилидаги ажиб туйғуларни ҳис қилиш учун уларнинг юз-кўзига боқишнинг ўзи қифоя, деб ўйлайман. Аёлларга кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик учун биз ниҳоят-да миннатдоримиз.

Давлатимиз раҳбарининг 5 муҳим ташаббуси ижроси, хусусан, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур корхонада келгусида ишчилар со-нини минг нафарга етказиш кўзда тутилган.

“Ўзпахтасаноат” АЖдан олинган маълумотга кўра, жорий йилининг шу даврига қадар узоқ қишлоқлар худу-дида 70 та тикув-трикотаж мажмуа-си ишга туширилиб, 32 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди. Улар-дан 5 таси Сурхондарё вилояти-нинг энг чекка худудларида ташкил этилди.

Тадбирларда Ўзбекистон Респуб-ликаси Президенти масла-ҳатчиси Т. Худайбергенов ишти-рок этди.

Илҳом РАҲМАТОВ
(«Халқ сўзи»).

Муштарак маънавий қадриятлар ва дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга қаратилган дадил қадам



Марказий Осиё давлатла-ри халқлари бу сийёсат на-тижаларини ҳозирнинг ўзидa кўзлари билан кўриб, шундай кунларга етказгани-га шукроналар айтмоқда. Қадим-қадимдан суви, бо-зори ва мазори, тили ва дини бир халқлар ўртасига қўйилган сунъий ғовлар, тўсиқлар олиб ташланди. Бир-бирдан ажратиб қўйилган оилалар бирлаш-ди. Бундан ҳеч ким зиён қилгани йўқ. Мана энди мамлакатимизнинг Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлиши бил-лан бундай сохта чеклов-ларнинг қолган-қутганлари ҳам маънафатли ҳамкорлик йўлларидан олиб ташлана-ди. Инвестицияларнинг аъзо мамлакатлар бўйлаб эркин ва ишончли айлани-ши таъминланади.

Фақат шу эмас, ушбу ҳамкорлик Кенгаши фаоли-ятининг юксак даражада йўлга қўйилиши Ўзбекис-тоннинг дунё кенгликлари сари интилаётган қадамла-рига янгича руҳ бахш эта-ди, маданият, тил, илм-

**Музаффар АХМАД,
Коракалпоғистон Республикаси халқ шоири:**

— Ўзбекистоннинг Тур-кий тили давлатлар ҳам-корлик Кенгашига аъзо бўлишини, ғурур билан айтиш керакки, мамлака-тимиз тарихидаги катта воқеалардан бири бўлди. Собиқ иттифок даврида қардошларинг ҳақида ёзиш у ёқда турсин, дўсту биродарларингга гапириш ҳам муаммо тугдирарди. Сийёсий айб қўйиларди ва биз мустақиллик йиллари-да ҳам ана ўша қобикдан чиқишимиз қийин кечди. Туркий халқ эканлигимиз-ни баралла айтишдан, гап-нинг рости, чўчи, хавотир билан ашадик.

Туркий тили давлатлар ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлишимиз қардош халқ-ларга мансуб миллатнинг бир вакили сифатида бар-чамизда ғурур уйғотди. Ав-вало, шуни таъкидлаш ке-

ракки, бу Қонунда кўтари-лан масалалар ечимини халқимиз қарийб ўз йил кутди. Гап шундаки, бугун худди узоқ қардошдай бўлиб қолган туркий халқ-лар тарихан бир-бирдан ва илдиздан бит-бутун ўзи-либ кетмаган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сийёсий иродаси ва ўз миллатига бўлган беқиёс муҳаббати орқалигина жамиятимизда шундай ҳақиқатни, тили, дини, ма-данияти, яшаш тарзи, қад-рият ва қарашлари бир халқларнинг бир ташкилот остида бирлашиши турли соҳаларда ҳамкорликнинг мустаҳкамланишига, хусу-сан, туркий халқлар ада-биёти ривожига ҳам хизмат қилиши, шубҳасиз.

«Халқ сўзи».

Қўшма тиббиёт факультети фаолият бошлади

Наманган давлат университети тарихида илк маротаба хорижий давлат олий таълим муассасаси билан ҳамкор-ликда қўшма факультет очилди. У Россиянинг Свердловск вилояти Екатеринбург шаҳри Урал давлат тиббиёт уни-верситети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Имконият

Тантанили очилиш маросимида Урал давлат тиббиёт университети ректори Ольга Ковтун, Наманган вилояти ҳокими Хайрулла Бозоров, университет жамоаси иштирок этди. Янги қўшма факультетда даволаш иши, педиатрия, стоматология, фармацевтика каби таълим йўналишларида малакали мутахассислар тайёрланади. Ўқишнинг дастлаб-ки икки босқичи Наманган давлат университетида, қол-ган 3 та босқич Урал давлат тиббиёт университетида олиб борилади. Битирувчиларга иккита давлатда ҳам тан олинадиган диплом берилади.

«Халқ сўзи».

ТОРТИШУВЛАРДАН СЎНГ ДЕПУТАТЛАР ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ҚАЙТАРДИ



Тўловлар ва тўлов тизимлари-ни тартибга солиш, назорат қилиш борасида аниқ бир дав-лат органининг ваколат бу маж-буриятлари қонунчиликда аниқ белгилла берилмагани ҳам маз-кур соҳада хаттарларни вужудга келтирмоқда.

Депутатлар муҳокама қилган мазкур қонун лойиҳаси бу бора-даги хавф-хатарларнинг олдини олиш билан бирга, қатор дол-зарат масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан аҳамиятли-дир. Лойиҳа, аввало, ушбу таш-килотлар томонидан кўрсатила-диган хизматларнинг кўламини кенгайтиради, тўлов ташкилотла-рига микроолия хизматларини кўрсатиш, электрон пуллар бил-лан операциялар амалга ошириш каби хизматлари тақдим этиш ваколатини беради. Бу ўзгариш-лар электрон хизматлар омма-боплигини оширади, тўловчилар учун қулайликлар яратади.

Амалиётда янгилик бўлган ана шу муҳим жиҳатлар халқимизга катта фойда келтиришини ино-

батга олиб, ушбу қонун лойиҳа-си жорий йилининг 3 июль куни Қонунчилик палатасининг ялли мажлисида биринчи ўқишда кон-цептуал жиҳатдан қабул қилин-ган эди. Ўтган вақт мобайнида масъул кўмита ҳамда ишчи гуруҳ томонидан бир неча бор муҳо-камалар ўтказилди, тегишли ва-зирилик ва идоралар вакиллари иштирокида лойиҳанинг қоида ва нормалари такомиллаштирилди. Норма ижодкорлиги талаблари-дан келиб чиқиб, лойиҳадан ҳаволаки нормалар чиқарилиб, тўғридан-тўғри ишлайдиган мод-далар киритилди.

Мажлисида сўзга чиққан депу-татлар ҳам, тижорат банклари мутасаддилари ҳамда тўлов ти-зими операторлари ҳам бугунги кунда мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши муҳим аҳамият-га эгалмиш, унга жуда катта эҳти-ёж мавжудлигини таъкидладилар. Уларнинг фикрича, лойиҳанинг қабул қилиниши республика мил-лий тўлов тизимларининг узлуқ-сизлигини таъминлашга ва бар-қарорлигини оширишга, банклар ва тўлов ташкилотлари ўртасида

соғлом рақобат муҳити яратили-шига, тўлов тизими операторла-ри ҳамда тўлов ташкилотлари хизматларидан фойдаланувчи-ларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари-ни муҳофазалашга хизмат қила-ди.

Мажлисида тизимлаштирилган қонунчилик базасини шаклланти-риш, амалга оширилаётган ис-лохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомиллашти-риш мақсадида ишлаб чиқилган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги қонун лойиҳаси халқ вакиллари томонидан би-ринчи ўқишда атрофлича муҳо-кама қилинди.

Депутатларнинг қайд этишича, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши коллизия нормалар, икки хил шарҳлаш, коррупция кўринишлари ва давлат томони-дан ортив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳолатларига олиб келувчи идо-равий норматив-ҳуқуқий ҳужжат-лар қабул қилиш амалиётини бартараф этишда ҳуқуқий асос бўлади. Шунингдек, ҳуқуқий со-ҳадаги кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган даврда

норма ижодкорлиги фаолиятига тааллуқли барча ўзгаришилар-ни, шу жумладан, қонунларнинг тўғридан-тўғри амал қилиш ме-ханизминини қонунчилик даражаси-да мустаҳкамлаш таъминланади. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш асоси ва тартибга солиш предметиани аниқ белгилаш, нор-матив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини келишишининг уму-мий қоидалари ўрнатилади.

Қонунчилик палатасининг маж-лисида муҳокама қилган қизгин кеч-ган масала — Ўзбекистон Рес-публикасининг “Фуқаролик хола-ти далолатномалари тўғрисида”-ги қонун лойиҳаси Коррупцияга қарши кураш ва суд-ҳуқуқ маса-лалари кўмитаси хулосасига кўра рад этилди.

Мажлисида, шунингдек, парла-мент қуйи палатаси ваколатла-рига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати.

«Ўзбекистонда суд тизими мустақиллигини таъминлаш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар диққатга сазовор»

“Ўзбекистонда суд тизими мустақиллигини таъминлаш йўлида кўрилаётган чора-тадбирлар диққатга сазовор, судьяларни танлаб олиш, судлар ихтисослашуви, суд ишлари судьялар орасида ҳолисона тақсимланиши миллий тизимига юқори баҳо берамиз”.

БМТнинг Судлар ва адвокатлар мустақиллиги масаласи бўйича махсус маърузачиси Диего Гарсия-Саян Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева билан учрашувда ана шундай фикр билдирди.

Учрашувда Гарсия-Саян бошчилигидаги делегация билан миллий парламентимиз аъзолари суд тизимининг тузилмаси, мустақил ва ҳолис фаолиятини ташкил этиш, одил судловга эришиш, шунингдек, ҳуқуқий ёрдамдан фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашишди.

Кайд этилганидек, Ўзбекистонда халқ билан доимий ҳамда тизимли мулоқот асосида юртимиз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда янги қадамлар ташланмоқда. Жумладан, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга жавоб берадиган одил судловнинг замонавий тизимини яратишга қаратилган ислохотлар изчил амалга ошириляпти.

Ўзбекистон фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича хорижий арбитраж қарорларини, ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатларни тан олиш ҳамда ихро этишга доир БМТнинг бир қатор конвенцияларини, қарийб 30 та халқаро икки томонлама шартномани ратификация қилди. БМТ ҳужжатлари қоидалари мамлакатнинг про-

цессуал қонун ҳужжатларига, шунингдек, айрим қонунларга татбиқ этилди.

Бундан ташқари, БМТнинг коррупцияга қарши конвенциялари қоидалари (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди. Жорий йил бошида Сенатда Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси тузилиб, коррупцияга қарши курашиш соҳасида парламент назорати самарадорлигини ошириш унинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

Мамлакатимиз миллий қонун ҳужжатларининг судлар мустақиллигини таъминлашга доир қисми такомиллаштириляпти. Қолаверса, Ўзбекистонда суд органларининг мустақиллигини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича кенг ваколатларга эга мустақил орган сифатида Судьялар олий кенгаши ташкил этилган судьяларни танлаш, тайинлаш ва тайёрлашда суд интизомига, тегишли тамойиллар ва қоидаларга риоя этилишини таъминлайди. Ушбу жиҳатлар йиғилишда алоҳида эътироф қилинди.

Томонлар Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирлар инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида одил судловнинг демократик принципларини амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратишга қаратилганлигини қайд этишди.

Ўзбекистон — Япония: Парламентлараро мулоқот изчил фаоллашади

Халқаро молиявий ҳамкорлик. Бу ҳақда гап кетганда, Японияни тилга олиш ўринли. Бунга арзирли сабаблар бор, албатта. Масалан, ушбу давлатнинг молиявий-техник кўмаги туфайли Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим, энергетика, транспорт, телекоммуникация ва бошқа соҳаларда қатор ижтимоий аҳамиятга молик ҳамда инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди. Бу йўналишдаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содіқ Сафоевнинг Япония парламенти Вакиллар палатаси делегацияси билан учрашуви айни шу масалаларга бағишланди.

Сенатда ўтказилган мазкур тадбирда делегация аъзолари Президентимиз раҳбарлигида тизимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида маълумотларга эга бўлишди. Уларнинг амалий натижалари тадбиркорлик муҳити яхшиланиши, макроиқтисодий кўрсаткичлар барқарорлиги, хорижий мамлакатлар ҳамда нуфузли халқаро молиявий тузилмаларнинг республика билан ҳамкорликни чўқурлаштиришга қизиқиши тобора ортиб бораётганида ўз аксини топляпти.

Учрашувда олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва такомиллаштиришда парламентнинг роли катта эканлиги қайд этилиб, Ўзбекистон ҳамда Япония ўртасида парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш парламент аъзолари ҳамкорлиги механизмини ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ушбу жараёндаларда “Олий Мажлис — Япония парламенти” парламентлараро гуруҳи, Япониянинг Ўзбекистон билан дўстлик парламент лигаси ва “Япония — Ўзбекистон демократик партияси” дўстлик лигаси алоҳида ўрин тутади. — Ўзбекистон — Япония ўртасида парламент-

лараро ҳамкорликни фаоллаштириш ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама этиш жуда муҳим, — дейди Япония Вакиллар палатаси аъзоси Карэн Макишима. — Грiпс дастури доирасидаги таширфимизнинг асосий мақсади ҳам шу аслида. Ўзаро суҳбат давомидида минтақавий ҳамда халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилиб, икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Яна шуни алоҳида таъкидлашни истардим-ки, биз Ўзбекистонга Япония ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутган, ишончли ҳамкор мамлакат сифатида қараймиз. Ўз навбатида, Ўзбекистон халқига японларнинг хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлганлиги учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Ушбу таширф тадбиркорлар учун ҳам гоятда муҳим ва фойдали.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳамда Япониянинг икки томонлама ҳамкорлиги халқаро ва минтақа кун тартибидаги барча масала бўйича юксак даражада стратегик шериклики ўз ичига олади.

Мулоқотда томонлар бундан буён ҳам кўп қиррали алоқаларни мустаҳкамлаш учун барча саъй-ҳаракатни ишга солишга тайёр эканини билдирдилар.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

АЙРИМ ҲУДУДЛАРДА ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ЮҚОРИ

Бу мутасаддиларни ўйлантириши керак.

Жорий йилнинг 8 ойи давомида республика бўйича 213 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилган, бу прогнозга нисбатан 122,8 фоизни ташкил этади.

Айни пайтда мамлакатимизда ишсизлик даражаси 9,1 фоиз бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси (9,3 фоиз), Андижон (9,3 фоиз), Қашқадарё (9,4 фоиз), Жиззах (9,3 фоиз), Самарқанд (9,3 фоиз), Фаргона (9,4 фоиз) вилоятларида республика кўрсаткичидан юқори.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Мехнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида шу ҳақда сўз борди. Унда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг жорий йил ўтган даврида амалга оширган ишлари ҳақидаги ҳисоботи ҳамда вазирлик ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ахбороти эшитилди.

Парламент аъзолари аҳоли банд-

лигига кўмаклашиш бўйича кўрсатилаётган хизматларга эътибор қаратди. Жорий йилда меҳнат органлари томонидан 526 мингдан зиёд шахсларга хизмат кўрсатилган, бу 2018 йилнинг мос давридагига нисбатан 1,4 баробар ортган.

Шунингдек, вазирлик томонидан ўзини ўзи банд қилган фуқароларга вақтинчалик меҳнат гувоҳомасини бериш ва меҳнат стажи юритилишини таъминлаш, давлат солиқ орган-

лари билан ҳамкорликда яширин иш ўринларини легаллаштириб, расмий секторга ўтказиш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳамда келгусидаги вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг фуқароларинимизни хорижада уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақидаги ахбороти қизгин муҳокамаларга сабаб бўлди.

Маълумотларга кўра, 2,6 млн. нафар киши хорижга ишлаш учун чиқиб кетган. Депутатлар мазкур йўналишда юқори кўрсаткич қайд этилган ҳудудларда, хусусан, Андижон, Самарқанд, Наманган каби айрим вилоятларда мавжуд имкониятлардан

тўлақонли фойдаланилмаётганини таъкидладилар.

Вазирлик томонидан Япония, Жанубий Корея ва Бирлашган Араб Амирикллари билан ташқи миграция соҳасида битимлар тузилган. 85 та хусусий бандлик агентлиги томонидан 34,3 минг фуқарога миграция соҳасида хизматлар кўрсатилган, 2,8 минг фуқаро Россия, Жанубий Корея, Туркия, Болгария, Польша, Бирлашган Араб Амирикллари ва бошқа давлатларга ишга юборилган.

Қолаверса, ўтган вақт давомида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва агентликка аҳолидан мурожаатлар ҳам келиб тушган. Жумладан, хусусий бандлик агентликлари томонидан фуқароларга ишга жойлаштириш хизмати кўрсатилмаган бўлса-да, фуқаро томонидан

«Tashkent Book Fest» халқаро китоб кўргазма-ярмаркаси ўтказилади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор

вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда “Tashkent Book Fest” халқаро китоб кўргазмасини ташкил этмоқда.

У жорий йилнинг 2 — 4 октябръ кунлари “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазмалар мажмуасида бўлиб ўтади.

Халқаро тадбир иштирокчилари хорижий ва маҳаллий наشريётларнинг янги ва нодир китоблари билан танишиш, янги асарлар тақдимотида иштирок этиш, чет эл ва ўзбек адаблари, муаллиф-

лари билан учрашиш имко-

нига эга бўлади. Кўргазма доирасида ёзувчи, шоир ва рассомлар билан ижодий суҳбатлар бўлиб ўтади. Шунингдек, соҳага оид семинарлар, маҳорат дарслари, тренинглар ва кўплаб акция ҳамда китоб танловлари ўтказилади.

«Халқ сўзи».

Маҳаллий Кенгашларда

Ютуқлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ пойтахтда тадбиркорликни ривожлантириш, уни том маънода ишбилармонлик маконига айлантириш бўйича ҳали кўплаб вазифалар, қилиниши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд.

Шаҳарда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш орқали импорт ўрнини босувчи товарлар тайёрлашга лозим даражада эътибор қаратилмаётганини оқибатида импорт ҳажми камаймапти.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, экспорт ҳажми 1 млрд. 971,8 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,3 фоиз ошган бўлса, импорт ҳажми 3,9 млрд. АҚШ долларига тенг ва ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 34,5 фоиз ўсган. Ушбу рақамларнинг ўзиёқ бу борада жиддий ишлар амалга оширилиши кераклигини кўрсатиб турибди.

Айтиш жоизки, пойтахтнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришда кичик саноат зоналари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда шаҳарда 8 та кичик саноат зонаси фаолият кўрсатяпти. Улар ҳудудида 653 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши натижасида 1,18 трлн. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, қарийб 14 минг иш ўринлари яратилди.

Аммо ўрганиш натижаларига қараганда, кичик саноат зоналари фаолиятини такомиллаштиришга ҳалал бераётган бир қатор камчиликлар ҳам кузатилган. Шу маънода, улар фаолият юритаётган субъектларга имтиёз ва преференциялар тақдим этилишини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, тўрачилик билан боғлиқ тўсиқларни бартараф этиш, қолаверса, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш лозим.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг сессиясида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришнинг ана шундай долзарб масалалари муҳокама қилинди. Қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда амалга ошириладиган аниқ чора-тадбирларни белгилаб олиш ҳамда уларнинг ўз вақтида ихро этилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш лозимлиги таъкидланди, қўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т. Норбоева иштирок этди.

Ушбу мавзуга бағишланган сессиялар Тошкент ва Сирдарё вилоятларида ҳам ўтказилди.

Р. ОТАМУРОВОВ.

СЕРГЕЛИДА ИККИТА ЯНГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мактабгача таълим муассасаларининг сони йилдан-йилга ошиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

2018 йилда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш 34,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил ярим йиллиги якунига келиб, давлат МТМларида яратилган ўринлар сони мактабгача ёшдаги болаларнинг 40,5 фоизини қамраб олишга имкон берди.

Ҳозирги вақтда республикада 9 минг 770 дан ортиқ МТМлар фаолият олиб бормоқда. Мактабгача таълим билан қамраб олинган болалар сони ҳам сезиларли даражада ўсган. Хусусан, 2019 йил биринчи ярим йиллиги натижасига кўра, 1 миллион 66 минг 353 нафар бола МТМга боради. 2030 йилга бориб болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни 80,8 фоизга етказиш кўзда тутилган.

19 сентябрь куни Тошкент шаҳрининг Сергели туманида яна иккита давлат мактабгача таълим муассасасининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда мактабгача таълим вазири А. Шин, вазирлик бош бosh қармаси бoshлиги Ш. Мирзиёева, Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д. Хидиров, “Нуроний” жамғармаси республика бошқаруви раиси Ш. Жалилов, нуронийлар ва маҳаллий аҳоли вакиллари иштирок этди.

Янги МТМлар Сергели туманининг Қумариқ турарий мавзесида ва 5А даҳасида жойлашган. Улар мебелъ, ривожлантирувчи ўйин ва ўйинчоқлар билан жиҳозланган. Бу мактабгача таълим муассасалари орқали Сергели туманида мактабгача таълим билан қамраб олиш ҳажми 83 фоиздан 89 фоизгача оширилди ва 100 янги иш ўрни яратилди. Айни пайтда ҳудудда 4 та МТМ қурилмоқда.

— Сергели тумани жадал ривожланиб бормоқда, янги қурилган уйларга яшовчилар кўчиб кирмоқда ва тегишлича таълим муассасаларига бўлган қўтиёб ортиб бормоқда, — деди мактабгача таълим вазири А. Шин. — Бир йўла иккита МТМ очилиши яна 780 нафар бола сифатли мактабгача таълим олиш имкониятига эга бўлишини англатади. Шунингдек, қисқа муддатли гуруҳлар очилиб, уларга 180 нафар бола қабул қилинади. Янги МТМлар қурилишда стандарт лойиҳалардан воз кечилган ҳолда ноодатий дизайн ва замонавий ечимлардан фойдаланилди.

Хар икки МТМда таълим муҳити Корея Республикасининг модели негизида лойиҳалаштирилган. Шу тариқа, йирик жавонлар ўрнига мобил модуллар ўрнатилди.

Хушрид ҚОДИРОВ,
ЎЗА мухбири.

аниқ белгилаб берилди. Кишлоқ ҳўжалигида ресурс тежамкор инновацион технологияларни қўллаш, “ақли кишлоқ ҳўжалиги” (Smart agriculture) ва рақамлаштирилган агротехнологияларни биладиган ҳамда жорий эти оладиган кадрларни тайёрлаш, университет ва унинг филиаллари ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) орқали вилоятлар кесимида ишлаб чиқаришдаги тизимли муаммоларни тезкор аниқлаш, уларни бартараф этиш бўйича “ахборот — маслаҳат маркази — кафедра — кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиси” тизимини жорий этиш шулар жумласидандир.

Яна бир эътиборли жиҳати, Тошкент давлат аграр университетининг Самарқанд филиали ташкил этилиб, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даражасида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида кадрлар тайёрлаш, биринчи мартаба талабаларнинг мустақил илзанишини таъминловчи механизмлар кенг жорий этилади. Қолаверса, университетнинг иккинчи босқич талабалари орасидан саралаб олинган иктидорли талабалар (лидер гуруҳ) учун таълимнинг алоҳида қучайтирилган дастурлари асосида ўқитиладиган махсус гуруҳлар ташкил этилиши жуда қувонарли ҳолдир. Зеро, етук мутахассисларсиз ривожланиб бўлмайди. Янгиликлар кўп. Улар университетимизнинг халқаро талабаларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрловчи, дунёнинг нуфузли 1000 та олий таълим муассасаси рўйхатидан (QS рейтинг тизими) ўрин олишига ҳамда республикамиз кишлоқ ҳўжалиги соҳасини янги босқичга олиб чиқишга мустаҳкам пойдевор бўлиши, шубҳасиз.

Ботиржон СУЛАЙМОНОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори, академик.

билан ақиндан таништириш, тарғиб ҳамда жорий этишга кенг йўл очилляпти. Бу эса ўқиниши битиринчи ички имониятлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш, хорижий университетлар билан ҳамкорликда филиалларни очиш, айирбошлаб бакалавр, магистрларни тайёрлаш, икки томонлама ўтадиган диплом-сертификатлар бериш, малака ошириш, маъруза, амалиёт дарсларини ўтиш ва бошқа кўплаб ўқув-амалиёт жараёнлари

йўналишларини такомиллаштириб бориш, янги йўналишларни очиш, талабалар қабул қилиш квоталарини ички имониятлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш, хорижий университетлар билан ҳамкорликда филиалларни очиш, айирбошлаб бакалавр, магистрларни тайёрлаш, икки томонлама ўтадиган диплом-сертификатлар бериш, малака ошириш, маъруза, амалиёт дарсларини ўтиш ва бошқа кўплаб ўқув-амалиёт жараёнлари

ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР РЎЁБИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА



Бундан бир неча йил муқаддам Сирдарё туманида “АВР” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлаб, бу ерда истеъмол бозорида талаб юқори бўлган яна бир маҳсулот — сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилган эди. Ҳозир эса “АВР” савдо белгиси остидаги маҳсулотлар нафақат юртимиз, балки хориж бозорларида ҳам харидоргир. Яъни илгари, асосан, импорт қилинган сантехника воситалари энди экспортга чиқарилмоқда. Хўш, бундай жадал ривожланишнинг омиллари нимада? Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Сирдарё вилоятига ташкил этилган медиатур асносида журналистлар бу саволга атрофлича таваб эдилар.

Молия муассасаларида

“Сирдарё” эркин иқтисодий зонасида жойлашган “АВР” корхонаси “Пенг Шенг” саноат мажмуаси таркибига киради. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Олмалик кон-металлургия комбинати, Хитойнинг “Wenzhou Jinsheng Trade Co.Ltd.” компанияси ҳамда “Пенг Шенг” Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхона бу ерда рўёбга чиқарилган ноёб лойиҳадир. Унинг қиймати 9,9 миллион АҚШ долларига тенг. Лойиҳани молиялаштиришда Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам салмоқли кўмак берди. Яъни бунинг учун молия муассасаси 1,36 миллион АҚШ долларини микдоридан кредит ажратди.

Мазкур саноат объекти юқори сифатли ва ноёб сантехника воситалари ишлаб чиқариш бўйича ҳозирча мамлакатимизда ягона бўлиб турибди. Яъни бу ерда маҳсулотлар одатдагидан фарқли равишда мис ва рух металлари қоришмаси — латундан тайёрланади. Мутахассислар фикрича, ушбу хом ашё сантехника воситаларининг экологик талабларга тўла жавоб беришини таъминлаши билан бирга, узоқ вақт яроқлилигини кафолатлайди. Мўҳими, латун шу ернинг ўзида тайёрланапти. Таъкидлаш лозимки, маҳаллий хом ашё маҳсулот таркибининг асосий қисmini ташкил қилмоқда.

— Фаолиятимизга инновацион янгиликларни татбиқ этиш пайдан бўляпти, — дейди “Пенг Шенг” қўшма корхонаси масул вакили Гафуржон Аҳмедов. —

Масалан, даромадимизнинг 3 фоизини замонавий дизайн-дизайн сантехника жиҳозлари ва аксессуарлари яратишга йўналтиряпти. Бунинг учун ўзимизда жохон талабларига мос ишлан-малар ҳамда синов марказимиз бор. Изланишларимиз натижасида маҳсулотларимизга бўлган талаб тобора ортмоқда. Ҳозир

жиҳозларни янада сифатли қилиб тайёрлаш борасидаги изланишлар давом эттириляпти. У йилига 2 миллион дон турли сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўтиборлиси, маҳсулот ҳажми йил сайин ортиб бормоқда.

Корхонада 267 та янги иш ўрни яратилган. Жамоанинг



хориждан ҳам кўплаб буюртмалар оляпти.

Яна бир диққатга молик далил: корхона маҳсулотлари маҳаллий харидорларга хорижда ишлаб чиқарилган турдошларига нисбатан икки баробар арзон нархларда этакзиб бериляпти. Натижада ички бозор импорт ўрнини босувчи ўзимизнинг замонавий сантехника воситалари билан тўлмоқда. Корхонада жўмрак, қувурларни уловчи, сув ва газ тақсимотини таъминловчи

асосий қисmini маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил этади. Яна бир жиҳат, уларнинг аксарияти коллежлар битирувчиларидир. Корхонани малакали ва замонавий технологияларни чуқур ўзлаштирган мутахассис-ишчилар билан таъминлаш мақсадида Сирдарё шаҳридаги саноат касб-хунар коллежи билан яқин ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Айни чоғда ишчилар учун қулай меҳнат шaroитлари яратилганини эътироф этиш ҳам ўринлидир. Масалан,



Реклама ўрнида

уларнинг ишга келиб-кейтишлари учун махсус автобуслар, бир маҳал иссиқ овқат ташкил этилган. “Пенг Шенг” саноат мажмуасига ёндош ҳудуддаги “Ўзбекистон — Хитой дўстлик боғи” эса жамоанинг сеvimли дам олиш масканига айланган. Шунингдек, ўзига хос кўркем шаҳарча қиёфасидаги мазкур масканда мактабчага таълим муассасаси, савдо, овқатланиш шохобчалари, турли

хизмат кўрсатиш субъектлари ҳам фаолият юритаётир. Медиатур иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Сирдарё вилояти бўлимига қилинган таширф мобайнида ушбу молиявий муассасадаги банк хизматлари оммабоплигини ошириш борасидаги ишлар билан ҳам яқиндан танишди. Бўлим ҳозирги кунда 1293 та юридик, 40 316 нафар жисмоний шахс ҳамда 1843 та якка тадбиркорлик субъектига хизмат кўрсатмоқда.

Сўнгра журналистлар Миллий банкнинг молиявий кўмаги билан амалга оширилган яна бир лойиҳа — Ширин шаҳридаги “Shirin Agro Nur” масъулияти чекланган жамиятининг замонавий иссиқхонаси фаолияти билан танишди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштирилган мазкур корхона 2016 йилда умумий қиймати 700 минг АҚШ долларини яратилганини лойиҳа асосида ташкил этилган. Шундан

567,8 минг АҚШ долларини микдориди сармоя Миллий банк томонидан ажратилган кредитидир.

— Миллий банкдан берилган кредит туфайли иссиқхонамизга замонавий технология — гидропоника усулини жорий этиш имкониятига эга бўлди, — дейди жамият директори Санжар Ҳасанов. — Гидропоника сифатли, экспортбон маҳсулот етиштиришнинг сигналган усули ҳисобланади. Бунда вегетация жараёни энг замонавий ёндашувлар асосида олиб борилади. Айни чоғда иккинчи ҳосил экинларини парвариш қиялпмиз.

Айтиш лозимки, Миллий банкнинг “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” дастурлари ижросидаги иштироки ҳам салмоқли. Хусусан, унинг молиявий кўмаги асосида Ширин шаҳрида қад ростлаган “Воҳа баракиси” минимаркети бунга мисолдир. Қолаверса, Президентимизнинг 2018 йил 29 мартдаги қарорига мувофиқ, Ховос туманидаги “Соҳибкор” МФЙ ҳудудида минимаркет бунёд этиш учун қурилиш моллари сотиб олишга ҳам мазкур банк томонидан молиявий кўмак берилди.

Медиатур давомида журналистлар Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, янгилашлар билан ҳам атрофлича танишдилар.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА
ЭЪЛОНЛАР

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИА ҚЎМИТАСИ
РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ

куйидаги ихтисосликлар бўйича
2020 йил учун таянч докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилади.

Таянч докторантура:
14.00.38 — спорт тиббиёти — 3 ўрин.

Керакли ҳужжатлар:

- ариза;
- меҳнат дафтарчасининг тасдиқланган нусхаси;
- дипломларнинг нусхалари;
- эълон қилинган мақола (камида битта) ва тезислар (камида иккита) нусхалари;
- паспорт ва ҳарбий билет нусхалари;
- 3х4 см. ҳажмдаги 4 та фотосурат;
- шахсий варақа ва таржимаи ҳол.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябрга қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Олмасор кўчаси, 6-уй.
Телефон: 71-241-52-45.
Веб-сайт: phd.mininnovation.uz

Фўқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди

2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш мақсадида танлов эълон қилади.

Аудиторлик ташкилотларининг тижорат таклифлари 2019 йилнинг 4 октябрга қабул қилинади:
100027, Тошкент шаҳри,
Қоратош кўчаси, 1-уй.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар:
71-238-69-45, 71-238-69-46.

Веб-сайт: www.fgd.uz.
E-mail: info@fgd.uz, uzfgvgb@mail.ru.

Белгиланган муддатдан кейин юборилган тижорат таклифлари танловда иштирок этмайди.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63, 71-232-11-15.
E-mail: reklamax@mail.ru
reklama@xs.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

илмий-тадқиқот муассасалари тасарруфидаги таянч докторантура ва докторантурага 2020 йил учун куйидаги илмий йўналишлар бўйича қабул эълон қилади:

- физика-математика ва техника;
- табиий фанлар;
- ижтимоий-гуманитар фанлар.

Қабулга тегишли барча зарур маълумотлар ва талаблар билан Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ҳамда марказлари ва минтақавий бўлиmlарида танишиш мумкин.

Ҳужжатлар 2019 йилнинг 15 октябрга қабул қилинади.

Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантура учун суҳбат 2019 йилнинг 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Таянч докторантурага кирувчилар куйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

- чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил);
- мутахассислик.

Таянч докторантурага кирувчи номзодлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, магистр даражаси жорий этилгунча олинган олий маълумот тўғрисидаги дипломга эга бўлиш;
- муайян илмий натижаларга, шу жумладан, диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган, илмий журналлар ва нашрларда чоп этилган камида битта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференцияларда тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларига киритилган иккита маъруза-тезисга эга бўлиш;
- хорижий тилни магистратура битирувчисининг тегишли даражасида билиш;
- замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, шу жумладан, интернетдан фойдалана олиш.

Докторантурага кирувчи номзодлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;
- фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олингандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DS) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиш.
- Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланади.

Қўшимча маълумот ва қабул квоталарини www.academy.uz сайтдан олиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 71-233-59-46, 71-236-77-07.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 50 843 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибиҳат 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment ва SDLG корхоналарининг

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва куйидаги махсус қурилиш техникаларини таклиф қилади:

Гилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача).
Занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).

Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.

VOLVO махсус қурилиш техникалари

Гилдиракли экскаваторлар

Занжирли экскаваторлар



SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига киради)

Фронтал юклагичлар

Экскаватор-юклагичлар

Автогрейдерлар

Катоклар



Таклиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва ёхтиёт қисмлар омбори мавжуд.

Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.

Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Беларик маҳалласи, 712-уй. **Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.**
(Мўлжал: «Турон» автосалони).
www.motoblok.uz t.me/motoblokuz

Маҳсулотлар сертификатланган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.

Мусахҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6